

# Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

www.xabar.cc.uz orif@infonet.uz habar@aci.uz

1992-yil martdan chiqa boshlagan

2004-yil, 12-mart, 11 (600)-son

Sotuvda narxi erkin

## XAFTALIK XABARLAR

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 10 март куни Оқсаройда Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) ижрочи хотиби Чжан Дэгуанни қабул қилди. Учрашув пайтида ШХТ фаолияти, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, Ўзбекистон-Хитой муносабатлари, Афғонистондаги вазиятга доир ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.**

● Матбуотда "Муддатли харбий, муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига навбатдаги қақирув тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори эълон қилинди.

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Сирдарё вилояти ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида "Таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш масалалари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Анжуманда Президентимиз Ислам Каримовнинг "2004-2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойишида баён этилган таълим-тарбия самарадорлигини оширишнинг устувор йўналишлари ҳақида сўз юритилди.**

● **Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Аёлларнинг жамиятдаги ўрни" мавзусида брифинг бўлиб ўтди. Унда хотин-қизларнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш борасида Ўзбекистонда олиб борилган ишлар жусусида батафсил маълумот берилди.**

● **Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий-сиёсий фанлар факультетиде "Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг фаолияти: муаммолар ва истиқболлар" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партияларнинг вакиллари ўз ташкилотларининг дастурий мақсадлари ва фаолияти тўғрисида сўзлаб бердилар.**

● **Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Матиз" энгил автомобили "Россияда йил автомобили-2003" йиллик мукофоти лауреати бўлиб, "Шаҳар автомобили" йўналиши бўйича танловда биринчи ўринни эгаллади.**

## KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

### МАОШЛАР ВАҚТИДА ТЎЛАБ БОРИЛДИ

Яқинда Термиз шаҳрида "Сурхондарё почтаси" АЖ ва вилоят алоқа ходимларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси раиси А.Даминовнинг "2003-2005 йиллар учун тузилган жамоа шартномасининг 2003 йил давомида бажариллиши тўғрисида"ги маърузаси тингланди.

Маърузада айтилишича, ўтган йили асосий эътибор корхонада меҳнат қилаётганларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган. 105 банддан иборат жамоа шартномаси талаблари деярли тўлиқ бажарилган. Йил давомида ходимлар маоши ва унга тенглаштирилган тўловлар ўз вақтида тўлаб борилган. Уртанча иш ҳақи 21750 сўмни ташкил этган.

### ШАРТНОМА ИЖРОСИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИНДИ

Термизда "Сурхондарё Телеком" филиалининг жамоа шартномаси бажарилишига бағишланган анъанавий конференция бўлиб ўтди. Унда филиал раҳбари У.Ашуров ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касабаси уюшмаси қўмитаси раиси А.Даминов маъруза қилди.

Жамоаларда 2003 йил давомида қабул қилинган шартномалар ижросига катта эътибор берилди. Натижада алоқа ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилиш, улар учун етарли шарт-шароитлар яратиш, дам олишлари ҳамда саломатлигини мустаҳкамлаш билан боғлиқ тадбирлар муваффақиятли амалга оширилди.

Шу билан бирга, конференцияда бугунги бозор иқтисодиёти даври ва ишловлар жараёни талабларига амал қилишда баъзи камчиликларга йўл қўйилгани ҳам таъкидланиб,

Шунингдек, корхона ва унинг филиалларида почта маблағларининг сақланишини таъминлаш ҳамда алоқа бўлимлари иш фаолиятларини доимий назоратта олиб бориш учун иш ўринлари қисқартирилган сифат йўриқчилари вазифалари қайтадан шпат жадрваларига киритилди.

Барча тармоқларда иқтисодий кўрсаткичлар режалари ошири билан адо этилган.

Конференцияда "Сурхондарё почтаси" АЖ директори М.Маматқулов, "Ўзбекистон почтаси" ДАК бош директори Р.Зиқиров ҳамда Республика алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржоновлар қатнашди.

Ш.ҚОДИРОВ,  
жамоатчи мухбиримиз

ариза ва шикоятлар билан ишлашга эътиборни кучайтириш тавсия этилди.

\*\*\*

"ЎЗИ-Термиз филиалида ўтказилган конференцияда ҳам меҳнат жамоаси шартномасининг ижроси атрофида таҳлил қилинди. Унда иштирок этган 117 нафар вакил "ЎЗИ-Термиз" филиали касабаси уюшмаси қўмитаси раиси З.Бобожинова маърузаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Бўлиб ўтган конференцияда ишида Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси марказий қўмитаси раиси Т.Назаржонов қатнашди ва бир гуруҳ алоқа ходимларига марказий қўмитанинг "Фахрий ёрлик" ҳамда мукофотларини топширди.

Н.ЗИЁЕВ,  
жамоатчи мухбиримиз

## TATUда

### "МАЪНАВИЯТ КУНИ"

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан, 2004 йил, 9 март куни Тошкент ахборот технологиялари университетига "Маънавият куни" ўтказилди. Баҳор нафаси уфуриб турган, уйғониш ва яшариш фасли бошланаётган ушбу кунларда бундай тадбир янада тароватли ва ўзгача бир гўзал кайфиятда ўтди. Чунки бу кун мунис онахонларимиз, гўзал аёлларимиз байрами — Халқро хотин-қизлар куни тантаналарининг давомига айланиб кетди.

"Маънавият куни" барча ўқув гуруҳларида мураббийлик соатлари ўтказилиши билан бошланди. Унда мураббийлар миллий кадрларимиз Наврўз байрами ва уни ўтказиш, ижтимоий, сиёсий, маънавий соҳалардаги ўзгаришлар ҳақида фикрлашди.

Талаба қизларининг миллий қадриятларга хурмат ва ўзликни чуқур аңлаш руҳидаги қизиқишларини ўстириш, улардаги бадиий ҳаваскорлик, изланувчанлик ва яратувчанлик имкониятларини очиб бериш мақсадида "Иқбол" қизлар кўрик-танлови ўтказилди. Бу йилги танлов мавзуси "Меҳр ва мурувват йили"га бағишланди. Унда Ахборот технологиялари факултети талабаси Кумуш Абдуллаева 1-ўрин соҳибаси бўлди.

Шунингдек, талабалар Темирўйлар тарихи давлат музейига, Санъат, Ўзбекистон тарихи, Шаҳидлар хотираси ва Куролли кучлар музейларига олиб борилди. Сўнгра волейбол, баскетбол, армрестлинг, мини-футбол, гандбол, стол тенниси, шахмат каби спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилди.

"Маънавият куни"ни талабалар баҳорий кайфият ва бой таассуротлар билан якунлашди.

М.ИБРОҲИМОВА,  
TATU "Маънавият ва маърифат" бўлими бошлиғи

## МАТБУОТ - МАЪНАВИЯТ КЎЗГУСИ

OBUNA — 2004

ёхуд газета ва журналларга обуна бўлиш микдори талаб даражасидами?

Ҳаётимизни оммавий ахборот воситалари, жумладан, газета ва журналларсиз тасаввур этишимиз қийин. Севимли нашрларни варақлар эканмиз мамлакатимиз жўшқин ҳаёти, туб ўзгаришлар, фидойи инсонлар меҳнати ҳамда дунё воқеаларидан хабардор бўламиз. Улар бизнинг маслаҳатгўйимиз, маънавиятимиз кўзгуси, десак хато қилмаймиз.

Бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири матбуотни тарқатиш, яъни уни ўқувчилар қўлига қисқа муддатларда етказиб беришдир. Нашр қанчалик қизиқарли бўлмасин вақтида етказиб берилмаса у ўз қадрини йўқотди. Эрта тонгда почтачиларимиз олиб келган, ҳали босмаҳона бўёғи ҳиди анқиб турган газетани варақлаш билан бир-икки кун олдин чиққан нашрни қўлга олганида кайфият фарқини айтиб ўтиришнинг ҳолати бўлмаса керак.

Демак, матбуот тарқатишда почта ходимлари олдидаги асосий вазифалар имкон қадар обунани кенгайтириш, нашрларга чакана савдо ташкил қилиш ва нашрнинг муштариолар қўлига қисқа

муддатларда етказиб беришдан иборатдир.

Айни пайтда республикамизда 2004 йил учун газета ва журналларга йиллик обуна мавсуми якунланган. Юзлаб, минглаб фуқаролар, корхона, муассаса ва ташкилотлар, ўқув юртлари, мактаблар, жамоа хўжаликлари, маҳалла қўмиталари ўз севган нашрларига обуна бўлишди. Бугун республика бўйича 3012та алоқа бўлиmidан ташқари мавсумий обуна қабул пунктлари ҳам обуначилар хизматида камарбаста бўлмоқдалар. Қўллаб-қўллаб вилоят ва туман почта алоқаси ходимлари халқимизга энгиллик тудйриш мақсадида хонадонларга, корхоналарга ташриф буюриб, обуна расмийлаштиришди. Шундай қилиб, 2004 йил республика



газеталарига "Ўзбекистон почтаси" ДАК орқали расмийлаштирилган обуначилар сони 464523тани, журналлар бўйича эса 340891тани ташкил қилди. Лекин бу кўрсаткични талаб даражасида деб бўлмайди. Қўпгина вилоятлар обунада, ҳатто олдинги йил даражасига ҳам эришганлари йўқ.

Масалан, "Фарғона почтаси" АЖ кўрсаткичи 2003 йилга нисбатан 64,3 фоизни, "Сурхондарё почтаси" АЖда 84,6, "Навоий почтаси" АЖда 85,9 ва "Бухоро почтаси" АЖда 89,3 фоизни ташкил этди.

(Давоми 2-бетда.)



# COSCOM

“COSCOM” simsiz aloqaning zamonaaviy технологиялари sohasida doimo etakchilikka intilib kelgan va kelgusida ham ўz mijozlariga yangi, qiziqarli xizmat turlarini taklif etish, xizmat kўrsatish sifatini oshirish va tarmoqning ekspluatatsion xususiyatlarini yanada boyitish uchun barcha imkoniyatlarini ishga solmoqda. Horizon II baza stantsiyalarining jalb qilinishi tarmogimiz haxmi va qoplash hududini kengaytiradi hamda sezuvchanligini oshiradi. Bu uzoqni kўzlab qilinaётган ishlar йўlida maблағni oqilona sarflashdir”.

A. СТЕПАНОВ.

“COSCOM” kompaniyasi bosh direktori



## ТЕЗКОРЛИК,

Вақт ва макон оралиги-да парвоз қилиб яқинларингиз билан дилдан суҳбатлашишни истайсизми?

Энди сиз бу имкониятга эгасиз. Гап шундаки, мамлакатимиздаги энг тезкор ва сифатли алоқа хизмати кўрсатувчи “COSCOM” kompaniyasi яна бир янгилikka кўл урди. Simsiz алоқа технологиялари ва автомобил электроникаси сингари соҳаларда жаҳонда етакчилардан ҳисобланган Motorola kompaniyasi tomonidan энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилган база стantsiyalari Ўзбекистонга келтирилди.

## ИШОНЧЛИЛИК,

## ЮҚОРИ СИФАТ...

дунёдаги энг ноёб ва қулай база стantsiyalarидир. Янги хизмат турининг афзаллиги шундаки, сиз ундан фойдаланиш орқали нафақат сифатли сигналларни қабул қиласиз, балки суҳбатдошингизнинг гапидаги ҳар бир жумлани аниқ-тиниқ эшита оласиз. Буни оддийроқ

ифодалайдиган бўлсак

“COSCOM” тarmoғи орқали суҳбатлашиш юзма-юз суҳбатлашишга баробардир.

“COSCOM” тarmoғи орқали суҳбатлашиш юзма-юз суҳбатлашишга баробардир. Бунга компания тarmoғига ула ниш орқали ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилишингиз мумкин. Яна бир аҳамиятли томони шундаки, бу хизмат тури

МДХ мамлакатлари ичида Ўзбекистонда ягонадир.

Ушбу стantsiyalar Motorola kompaniyasi tomonidan ишлаб чиқарила бошлангани бор-йўғи уч-тўрт ой бўлгани ва экспорти АҚШ ҳукумати томонидан назорат қилинадиган юқори технология ускуналари сирасига киришини ҳисобга олганда лойиҳанинг қанчалик аҳамиятли эканлиги маълум бўлади.

Ўзингизга маълумки, “COSCOM” техник ва технологик ривожланишининг халқаро мейёрларига риоя қилган ҳолда мижозларига уяли алоқанинг GSM 900 ва 1800 стандартларида хизмат кўрсатиб келади. Янги авлод база стantsiyalarining фойдаланишга топширилиши компанияга ўз тarmoғи ҳажми ва қоплаш ҳудудини кенгайтириш ва республикамизда кўрсатилаётган алоқа сифатини янада яхшилаш имконини беради.

Horizon II база стantsiyalari шу каби стantsiyalar ичида энг қудратлиларидан ҳисобланиб, Motorola ning Horizon II туркумидаги бarcha база стantsiyalarига, шуниингдек, UMTS

стандантидаги “Node B” база стantsiyalarига мослаштириб лойиҳаланган. Бу қурилмаларнинг турли амалиётларда биргаликда ишлатилиши операторга электр таъминоти ва мавжуд сайтларнинг иш бажариш қобилиятидан самарали ва тежамкорлик билан фойдаланиш имконини беради ҳамда эксплуатация сарф-харажатларини камайтиради. Horizon II келгусида асосий қурилмаларни алмаштирмасдан туриб юқори тезликда маълумотлар узатишининг бarcha янгидан-янги стандартларини (GPRS, EDGE, UMTS) жорий этишга кенг йўл очади.

Халқаро автоматик роуминг хизмати кўрсатиш борасида “COSCOM” kompaniyasi мамлакатимиз уяли алоқа операторлари орасида етакчи ҳисобланади. Унинг харитасидан 60дан ортиқ мамлакатлар жой олган. 140дан зиёд GSM операторлари компаниянинг роуминг-хамкорларидир. Компания Бутунжаҳон GSM ассоциациясига қўшилган Ўзбекистондаги биринчи оператордир. Бизнесда эришган ютуқлари ва фаолияти давомида киритган янгилликлари ҳамда тадбиркорона ташаббуслари учун “COSCOM” kompaniyasi Европа Иттифоқининг Халқаро “ЕвроМаркет — 2000” мукофотини кўлга киритган.

Бугунги кунда компания тarmoқлари республикамизнинг деярли бarcha вилоятларини ўз ичига олган.

Яна бир янгиллик. Кўрсатилаётган хизматлар сифатини келгусида янада яхшилаш мақсадида Шаҳрисаб шаҳрида ҳамда Тошкент вилоятининг Оққўрғон шаҳрида ва Гулбахор қўрғонида янги база стantsiyalari ўрнатилиб, ишга туширилди.

Собит АҲАДОВ,  
“Xabar” мухбири

### Ёдингизда бўлса “COSCOM”

Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси Марказий Осиёда биринчи бўлиб GSM стандартидаги рақамли алоқа тarmoғидан фойдаланишга ўтган эди. 2004 йилда компания кўрсатиладиган хизматлар тури ва сифатини янада ошириш томон яна бир дадил қадам ташлади. GSM тarmoғининг кенгайтиришга киришилганини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Шу мақсадларда келтирилган 60дан ортиқ Horizon II қабул қилиш ва узатиш база стantsiyalari ҳозирда ишга туширилди. Улар сезувчанликни таъминловчи

### MAVZU DOIRASIDA

### MOTOROLA ҲАҚИДА

Компания чораги кам бир аср илгари маиший трансформаторлар ишлаб чиқариш билан ўз фаолиятини бошлаганда Galvin Manufacturing (асосчиси — Пол Гэлвин) деб юритилган. Ушанда компаниянинг сармоysi 600 доллар, ишловчилари сони эса беш кишидан иборат бўлган. 30-йилларда компания автомобиллар учун радио-приёмниклар ишлаб чиқаришга ўтди ва янги маҳсулот “Motorola” савдо белгиси остида савдога чиқарилди. Кейинчалик бу савдо белгиси АҚШда шунчалик машҳур бўлиб кетдики, натижада 1947 йили компания ўз номини Motorola деб ўзгартиришга мажбур бўлди. Айнан ўша йилларда биринчи мобил радио-алоқа қурилмаси — ўзига хос “кути” ҳам шу ерда яратилганди. Бугунги кунга келиб дунёнинг энг йирик компанияларидан бирига айланган Motorola simsiz алоқа технологиялари, автомобил электроникаси ва кенг йўналишли тизимлар соҳасида дунёда етакчи ҳисобланади. 2003 йилда компания савдоси ҳажми 27,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Motorola одамларга уйда, йўлда ва иш давомида мададкор инновацион технологиялар ишлаб чиқаради. Компания жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида бизнес қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ижтимоий ҳимоя ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.



дунёнинг энг йирик компанияларидан бирига айланган Motorola simsiz алоқа технологиялари, автомобил электроникаси ва кенг йўналишли тизимлар соҳасида дунёда етакчи ҳисобланади. 2003 йилда компания савдоси ҳажми 27,1 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Motorola одамларга уйда, йўлда ва иш давомида мададкор инновацион технологиялар ишлаб чиқаради. Компания жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида бизнес қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда ижтимоий ҳимоя ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда.

## ОДНА ИЗ ВЕДУЩИХ КАФЕДР

**Ташкентский университет информационных технологий (бывший Ташкентский электротехнический институт связи) готовится к юбилейным торжествам, ему скоро исполнится 50 лет со дня основания. В преддверии к празднику редакция публикует материалы об истории становления кафедр и отделов университета.**

**Кафедра** Антенно-фидерных устройств (Технической электродинамики и антенн) была основана в 1965 году в результате реорганизации двух кафедр: кафедры Теоретических основ электротехники (ТОЭ) и кафедры Теоретических основ радиотехники (ТОР). Кафедру возглавил к.т.н., доцент Ликонцев Николай Николаевич. В числе первых преподавателей были: старший преподаватель Давыдов Николай Иванович, старший преподаватель Полуляева Татьяна Борисовна (Беззакотова Т.Б.), ассистент Русинкевич Зоя Эдмундовна, заведующий лабораторией Копнин Юрий Иванович. В 1966 году в коллектив кафедры вошли выпускники ТЭИС: Габзалилов Галий Фахретдинович, Овчинников Виталий Александрович. В 1967 году, после окончания ТашГУ, здесь начала работать ассистент Ган Светлана Павловна. Заведующий кафедрой Ликонцев Николай Николаевич отдал много сил организации учебной, методической и научной работы кафедры, созданию дружного творческого коллектива.

В марте 1967 года Ликонцев Николай Николаевич скоропостижно скончался. Заведование кафедрой принял к.ф.м.н., доцент Цитович Петр Александрович, который руководил коллективом до 1979 года. В последующие 10 лет кафедрой руководила доцент Беззакотова Татьяна Борисовна. В этот период на кафедре работала большая группа талантливых молодежи: д.с.т.с. Ган Светлана Павловна, к.т.н. Соловьев Евгений Витальевич, Ликонцев Дмитрий Николаевич,

Смирнов Александр Борисович, Битков Владимир Абрамович, Кан Виталий Сергеевич. С июля 1989 года по май 2003 года кафедрой руководил доцент Габзалилов Галий Фахретдинович. В настоящее время кафедрой руководит доцент Ликонцев Дмитрий Николаевич.

Кафедра обеспечивает преподавание дисциплин: "Электромагнитные поля и волны", "Распространение радиоволн и антенно-фидерные устройства", "Электродинамика и распространение радиоволн", "Антенны и устройства СВЧ" для бакалавров и "Распространение радиоволн", "Антенны подвижных и спутниковых систем связи" для магистрантов. Ежегодно на кафедре пишут выпускные квалификационные работы 25-30 студентов факультета радиотехники, радиосвязи и радиотелевещания (РРТ) и защищают свои диссертации два-четыре магистранта. Дипломные и выпускные квалификационные работы, выполненные на кафедре, неоднократно рекомендовались для участия в конкурсах и завоевывали дипломы.

Научные интересы кафедры охватывают направления: конструирование антенно-фидерных устройств, проектирование фазированных антенных решеток, коррекция диаграмм направленности существующих телевизионных антенн, изготовление макетов антенн, исследование особенностей распространения радиоволн в условиях крупного города, расчет зон покрытия базовых станций сотовой связи, расчет зон радио и телевидения, а также экологических паспортов радиобъектов (санитарно-защитной

зоны и зоны ограничения застройки), разработку виртуальных и действующих лабораторных макетов для учебного процесса.

Научная биография кафедры содержит многолетнее плодотворное сотрудничество с



научно-исследовательскими институтами отрасли связи стран СНГ, разработку и изготовление антенно-фидерных устройств, исследование распределения напряженности поля и помеховой обстановки в городских условиях, разработку нормативных актов по электромагнитной совместимости и допустимому электромагнитному облучению населения.

Кафедра также проводит научно-исследовательскую работу по актуальным направлениям, признанным в Узбекистане приоритетными. Создана лабораторная установка по гипертермии живых тканей, которая имеет большую перспективу для лечения онкологических заболеваний. Разработан окончательный вариант и получен патент на устройство прогрева организма фокусированным потоком энергии ЭМП (патент Республики Узбекистан № 5166 от 19.06.1998 г.). Данный проект проводился по решению Минздрава Республики Узбекистан.

Результаты научных исследований кафедры включены в

процесс обучения и используются преподавателями кафедры при чтении лекций на курсах повышения квалификации. В научные исследования кафедра вовлекает студентов и магистрантов, которые неоднократно побеждали в конкурсах студенческих научных работ и на выставках.


За время научно-исследо-

### НОВОСТИ В СФЕРЕ ИКТ

#### БУДУЩЕЕ В БЫСТРОЙ ФОТОЭЛЕКТРОНИКЕ

**Исследователи** корпорации Intel создали новое устройство транзисторного типа, способное кодировать данные в световых лучах. Возможность создания быстрых фотоэлектронных (т.е. оптоволоконных) модуляторов на базе обычных полупроводников открывает дорогу новому поколению очень дешевых высокоскоростных оптоволоконных соединений между ПК, серверами и другими электронными устройствами, а также между отдельными внутренними компонентами ПК, утверждают исследователи.

#### ФЛЭШ-ПАМЯТЬ НА ОСНОВЕ 0,09-МИКРОННОГО ТЕХПРОЦЕССА



**На прошедшем** в калифорнийском городе Сан-Франциско очередном форуме IDF 2004 корпорация Intel объявила о разработке первой в мире флэш-памяти типа NOR, изготовленной по 0,09-микронному технологическому процессу. Память Intel Wireless Flash Memory построена на основе технологий Intel девятого поколения и предназначена для использования в беспроводных портативных устройствах.

**А. ШАХОБИДДИНОВ,**  
магистрант кафедры АФУ

### В МИРЕ КОМПЬЮТЕРОВ

#### КОМПЬЮТЕРЫ ВЫТЕСНЯЮТ РОДИТЕЛЕЙ ИЗ ДЕТСКИХ СЕРДЕЦ



**Рэй Брэдбери** был прав. Если верить результатам социологического опроса, проведенного на днях в Великобритании, то почти половина (45%) местных детей относится к своим домашним компьютерам как к лучшим друзьям, а 61 процент опрошенных детей буквально влюблены в свои персоналки. Что касается взрослых респондентов, то, как пишет The Register, здесь ситуация не многим лучше: треть опрошенных относится к личному компьютеру как к приятелю и для каждого второго британца потеря компьютера станет катастрофой. Заметьте, речь не идет о людях, для которых домашний компьютер – рабочий инструмент и, одновременно, единственная возможность заработать на жизнь.

Источник: <http://www.internet.ru>

#### УНИКАЛЬНАЯ АНТИСПАМЕРНАЯ ЗАЩИТА

Компания Yahoo! совместно с SendMail разработали систему подтверждений для электронной почты, призванную избавить пользователей от нежелательной корреспонденции, приходящей с поддельных адресов. Все 39 миллионов пользователей почтового сервиса Yahoo! будут переведены на новую систему к марту этого года.

Источник:  
[www.news.proext.com](http://www.news.proext.com)

**Sarkor Telecom**  
Internet service provider

**ТВОЙ  
ПРОВАЙДЕР!**

132-0000

[WWW.SARKOR.COM](http://WWW.SARKOR.COM)

ТЕЛЕДАСТУРЛАР 15-21 март учун TVI, TVII, TVIII, TVIV, OPT, PTP, NTB



ДУШАНБА, 15

"Узбекистон" телеканалы TVI
Телекомпаниялар диктантга!
Профилактика муносабати билан.

СЕШАНБА, 16

"Узбекистон" телеканалы TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!
8.00-8.35 "Азборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.

ЧОРШАНБА, 17

"Узбекистон" телеканалы TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!
8.00-8.35 "Азборот".
8.35 ТВ-маркет.

ПАЙШАНБА, 18

"Узбекистон" телеканалы TVI
6.00 "Ассалом, Узбекистон!
8.00-8.35 "Азборот".
8.35, 17.55 ТВ-маркет.

15.00 Давр.
19.35 "Давр" - репортаж.
19.45 ТВ-аним.

20.10 Мусикий лавралар.
20.20 "Меҳр кулаи".
Мастурбага шараф.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

SPORT
8.00 "Бардам булинг".

9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.

11.40 Следствие ведет Колобков

12.00 Новости.
12.20 Комедия "Тартиф-
14.10 Город женщин.
15.00 Новости (с субтитрами).

PTP
3.00 "Добро утро, Россия!"

6.45 Детективный сериал
"Тайны следствия-3. Очевые
шкура".

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

SPORT
8.00 "Бардам булинг".

9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.
9.00 Мини футбол.

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

PTP
3.00 "Добро утро, Россия!"

6.45 Детективный сериал
"Тайны следствия-3. Очевые
шкура".

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

8.50 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ

9.30 ВЕСТИ.
ЧАСТЬ МОСТНОЕ ВРЕМЯ.
ВЕСТИ-МОСКВА.
9.50 "Что хочет женщина?".

NTB
6.00 УТРО НА НТВ

8.50 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД".
9.25 "БЕЗ РЕШЕТА".
10.00 "СЕГОДНЯ УТРОМ".

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

PTP
3.00 "Добро утро, Россия!"

6.45 Детективный сериал
"Тайны следствия-3. Очевые
шкура".

NTB
6.00 УТРО НА НТВ

8.50 "ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД".
9.25 "БЕЗ РЕШЕТА".
10.00 "СЕГОДНЯ УТРОМ".

OPT
6.00 Телеканал "Добро утро"

9.05 X/ф "Баласовнинг
работаси".
11.10 "Ерлашч".
телегазетаси.
18.10 "Бизим" телеклуби.

PTP
3.00 "Добро утро, Россия!"

6.45 Детективный сериал
"Тайны следствия-3. Очевые
шкура".



# “НАМАНГАН ТЕЛЕКОМ” ФИЛИАЛИ: МУВАФФАҚИЯТЛАР КАЛИТИ НИМАДА?

Сўнги йилларда “Наманган Телеком” филиали жамоаси вилоят аҳолисини сифатли алоқа хизматлари билан таъминлаш борасида салмоқли ютуқларни қўлга киритмоқда. Бу муваффақиятларга корхона раҳбариятининг узокни кўзлаб иш юритиши, заҳматкаш алоқачиларнинг фидокорона меҳнатлари, мутахассис кадрларнинг ишбилармонликлари эвазига эришилаётгани шубҳасиздир. Бир сўз билан айтганда, вилоят алоқа тизимида анча тажриба тўпланганки, буни бошқа вилоятларга ҳам ўрнак қилса бўлади.

## ЮҚОРИ СИФАТ ДАРОМАД МАНБА

Телекоммуникация тармоғининг сифат кўрсаткичларини яхшилаш, техник асбоб-ускуналар эксплуатациясини меъёрий ҳужжатлар талаблари асосида ташкил этиш бўйича Наманган вилоятда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Шу йил бошидан бўён “Андижонкабел” заводидан жами 28,0 млн. сўмлик турли хил русумдаги кабеллар сотиб олинди, Наманган шаҳар ва туман телекоммуникация боғламалари линия хўжалигида таъмирлаш ишлари бажарилди.

Наманган шаҳридаги 2, 3 ва 9-АТСларда РСМ-30 русумли аппаратура ўрнатилиб, ҳар бир станцияга кириш-чиқиш имконияти кўпайтирилди. Турли сабабларга кўра фойдаланилмаётган, туман телекоммуникация тармоқларидаги таъмирлаб кабелларнинг сигнал ўтказиш қобилиятини кўпайтирувчи ИКМ-15, ИКМ-30 аппаратуралари, автоматик шаҳарлараро телефон алоқасини таъминловчи АОН қурилмалари ва шаҳарлараро таксофонларни таъмирлаш ва соzлаш ишлари Наманган шаҳар телекоммуникациялар боғламасининг ишлаб чиқариш лабораторияси ходимлари томонидан амалга оширилиши йўлга қўйилди.

Вилоят бўйича 2003 йилда жами 43 км. магистрал, 72 км. тарқатуви ва 30 км. станциялараро боғловчи кабел линиялари, 90 км. ҳаво алоқа линиялари тўла таъмирланди. Натижада тўрт мингдан зиёд мижозларнинг телефон алоқаси қайта тикланди ва алоқа сифати яхшиланди. Вилоят ва туман марказларидаги АТС биналарининг таши ва ички қисми таъмирланиб, мижозлар билан бевосита мулоқотда бўлинадиган хоналар қайта жиҳозланди. Шунингдек, Наманган шаҳридаги ҳисоблаш марказида ЭАМТС орқали ўтатган бир кунлик шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувларини қайта ишлаб чиқиш ва эртасига соат 12.00га қадар шаҳардаги АТСлар тўлов кассаларидаги компютерлар ҳамда туман телекоммуникация боғламаларига ички модем орқали узатиш йўлга қўйилди.

## ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯДА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК

Иқтисодиётнинг бозор муносабатлари шароитида даромадларни кўпайтириш, корхонанинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш мақсадида хусусий тадбиркорлик телекоммуникация соҳасига жалб этишга “Наманган Телеком” филиалида алоҳида эътибор берилётгани натижасида йилдан йилга тадбиркорлик субъектларининг сони ортиб, кўлами тобора кенгайиб бормоқда.

Дастлаб, 2001 йилнинг декабрида Косонсой телекоммуникациялар боғламасида АОН ва ИКМ-15 аппаратуралари билан жиҳозланган сифими 150 рақамли “Юмалок шайх мазор” қишлоқ АТС линия хўжалиги билан бирга мазкур станция электромонтёри О.Дадабоевга ижарага берилган эди. Ҳозирда АТСнинг ўрнатилган си-

гимдан фойдаланиш даражаси 98,0 фоизи ташкил этмоқда.

Хусусий тадбиркорларга ижарага берилган қишлоқ АТСлари ичида энг юқори кўрсаткичларга Поп туманидаги 200 рақамли Поп қишлоқ АТСда эришилмоқда. Тадбиркор Ф.Шомирзаевнинг маблағи ҳисобига қишлоқ телефон станциясига 250,0 минг сўмлик АОН қурилмаси ўрнатилиб, бино таъмирдан чиқарилгандан сўнг бу ерда бир йиллик даромад 1,7 млн. сўмга етди.

Мингбулок, Уйчи, Тўрақўрғон, Чуст ва Норин туманларида ҳам сифими 200 рақамга бўлган, умумий ўрнатилган сифими 950 рақамли бешта қишлоқ АТС хусусий тадбиркорларга ижарага берилган. Умуман олганда, ижарадаги еттита қишлоқ АТСларининг йиллик даромади ижарага берилгунгача бўлган даврдагига нисбатан уч баробарга кўпайди.

Вилоят шаҳар ва қишлоқларидаги жами 529 маҳаллий таксофондан 497таси ёки 94 фоизи ҳам ижара шартномаси асосида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ижарага берилган маҳаллий таксофонлар сони 2002 йилда 432та бўлган бўлса, уларнинг сони ўтган йилда 65тага кўпайган. 2003 йилда ушбу таксофонлардан 4,6 млн. сўмдан ортиқ даромад олинди. Битта таксофон даромади 9,3 минг сўмни ташкил этди, бу 2002 йилга нисбатан салкам икки баробар кўпдир.

АТСлар бўш сифимларини хусусий тадбиркорларга ижарага бериш орқали жами 14та, шундан Наманган шаҳрида саккизта, Чуст шаҳрида иккита, Тўрақўрғон шаҳрида битта, Поп туманидаги Уйғурсой шаҳарчасида иккита, Тўрақўрғон туманидаги Оқтош шаҳарчасида битта шаҳарлараро сўзлашув масканлари очилган. Расмийлаштирилган ижара шартномасига кўра шаҳарлараро сўзлашув хизматидан олинган даромаднинг 30 фоизи, яъни маҳаллий сўзлашувларнинг ҳар бир дақиқасига 10 сўмдан “Наманган Телеком” филиали томонидан ижарачиларга қайтарилади. Ана шу олинган даромаддан солиқ тўловларини ижарачининг ўзи амалга оширади.

Жорий йилда бўш сифимларни (56та) ижарага бериш орқали шаҳарлараро сўзлашув масканларидан 53,1 млн. сўмдан ортиқ даромад олинди. Мазкур сўзлашув масканларини телекоммуникация ускуналари билан жиҳозлаш, хоналарни ходимлар талаблари асосида таъмирлаш ишларига хусусий тадбиркорларнинг 4,5 млн. сўм маблағи сарфланган.

Наманган шаҳрида яна еттита шаҳарлараро ва халқаро сўзлашув масканини ташкил этиш тўғрисида хусусий тадбиркорлардан тақлиф тушган.

Шунингдек, “Алоқа сервис” техник боғламаси ҳудудида ижара шартномаси асосида “Фауст” кичик корхонасининг 15та ишчи ўрнига эга аккумулятор йиғиш ва таъмирлаш цехи фаолият кўрсатмоқда. Мазкур цехда АТСлар ва автомобиллар учун турли хил русумдаги аккумуляторлар қайта йиғилмоқда. Филиалнинг Наманган шаҳар, Мингбулок ва Поп телекоммуникациялар боғламаларида ишлаб чиқаришдан ортиқча бўш жойлар эса

аҳолига турли хил хизмат кўрсатиш учун хусусий тадбиркорларга ижарага берилган.

## АКТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Халқ хўжалиги тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган эҳтиёжи телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу боис мамлакатимизда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта жиҳозлашга эътибор кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2002-2010 йилларда компютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастури”ни рўйбга чиқариш мақсадида Наманган вилоятда телекоммуникация тармоғини рақамлаштириш, оптик-толали алоқа кабели тармоғини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Япония Халқаро ҳамкорлик банки (JBIC) ўртасида имзоланган кредит келишувига асосан, республика телекоммуникация тармоғини ривожлантириш учун белгиланган маблағ ҳисобидан вилоятда умумий узунлиги 366 км. оптик-толали алоқа кабели тармоғи қурилишида жами 3,5 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган. Бу муҳим телекоммуникация тармоғи трассаси қурилишини “Salin FS Uzbekistan” шўъба корхонаси ва “Aloqainvest” АЈнинг Наманган алоқа кўча механизациялашган колоннаси қурувчилари бажаришмоқда. “Наманган Телеком” филиали томонидан эса телекоммуникация объектларида жами 16та алоҳида хона тўлиқ таъмирланиб, уларда оптик-толали алоқа тизими жиҳозларини ўрнатиш ишлари якунланди. Жорий йилнинг охиригача ушбу замонавий алоқа тизимини ишга тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Вилоят халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу телекоммуникация объекти ишга туширилгандан сўнг вилоятнинг ҳамма туман марказлари оптик-толали алоқа линиялари билан боғланади.

Наманган шаҳри аҳолисининг телефон алоқасига бўлган талабини қондириш мақсадида 2003 йилнинг декабрида умумий қиймати 1 млрд. 900 млн. сўмлик лойиҳа амалга оширилди. Ушбу лойиҳа асосида шаҳар телекоммуникация тармоғи сифими 9,5 минг рақамга кенгайтирилди ҳамда шаҳардаги АТСларни боғловчи умумий узунлиги 37 км. бўлган айланма оптик-толали алоқа кабели тармоғи хўжалик усулида барпо этилди.

Шунингдек, янги технология ва хизматлар жорий этилиши натижасида Интернет тармоғи мижозларининг кўлами тобора кенгаймоқда. Ҳозирги кунда вилоятда тўртта провайдер — “Ўзбектелеком” АКнинг “Инталтелеком” шўъба корхонаси, “ЎзПАК” ахборот узатиш тармоғи, “Бўзтон” қўшма корхонаси, “АзияНЕТ” бўлиналари Интернет хизматларини кўрсатмоқда. Наманган шаҳрида эса бешта “Интернет-кафе” мижозларга хизмат қилмоқда.

Интернет тармоғи хизматидан фойдаланувчилар сони ҳам ортиб бормоқда. Айни дамда вилоятда 327та ташкилот, кичик ва ўрта бизнес, тадбиркорлик субъектлари, қўшма корхоналар, 37та олий ўқув юртлири, коллеж, лицей ва ўрта мактаблар ва 265 нафар жисмоний шахс Интернет хизматидан фойдаланмоқдалар.

Ш.ПАРПИЕВ  
Наманган вилояти

## ЭЪЛОН!

ТОШКЕНТ АХБОРОТ  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ  
УНИВЕРСИТЕТИ

қуйидаги вакант лавозимларга танлов эълон қилади.

**Профессорлар:**  
Электр занжирлари назарияси — 1.

**Доцентлар:**  
Иқтисод — 1,  
Электрон ва квант асбоблар — 1.

**Катта ўқитувчилар:**  
Почта хизматини автоматлаштириш — 1,  
Электр занжирлари назарияси — 1,

Компютер тизимлари ва технологиялари — 1,

Радиотехник тизимлар — 1,

Антенна-фидер қурилмалари — 1,

Телевидение ва радиозэшиттириш — 2,

Менеджмент ва маркетинг — 1,

Физика — 1,

Ўзбек ва рус тиллари — 1,

Телекоммуникация тармоқлари ва телекоммуникация линиялари — 2,

Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1,

Касбий педагогика — 1,

Фалсафа — 1,

Ахборот технологиялари — 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Компютер тизимлари ва технологиялари — 1,

Электр занжирлари назарияси — 1.

**Аризалар эълон чоп этилгандан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган мутахассисликлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.**

**МАНЗИЛ:**

Тошкент шаҳри,

Амир Темур кўчаси, 108-уй.

Тел: 138-64-06.



MASHHURLAR HAYOTIDAN

BILASIZMI?

ҚОРА ЗИРК

Қора зирк (қорақанд) зиркдошлар оиласига мансуб серхош буга. Қора зирк мевалари таркибида С дармондориси, органик кислоталар (олма, лимон, тартар), холинсифат моддалар, қанд, минерал тузлар ва бошқа моддалар бор. Хосилга кирган пайтидаги барглари таркибида Е (токоферол) дармондориси, эфир moyлари мавжуд.

Қадимий китобларда зирк "қонни тозаловчи" омил сифатида қадрланганлиги битилган.

Ибн Сино зиркни чанқоқ қолдирувчи, юракка қувват берувчи ҳамда жигар касалликларига даво сифатида ишлатган. Қора зирк мевалари халқ таботатида асаб фаолияти сустлашганда, ошқорзон-ичак, сарик касалликларини, хафқонлиқни даволашда ишлатилади. Бундан ташқари, ундан ҳароратни пасайтирувчи, иштаҳа уйғотувчи, ўт ҳайдовчи, яллиғланишга қарши восита сифатида ҳам фойдаланилади.

Халқ таботатида зирк илдизидан тайёрланган қайнатма (пүстлогидан ажратилган) безгак ва боднинг давоси ҳисобланади. Бу қайнатма халқ тилида " зирк қиёми ", деб аталиб, унинг суолтирилгани билан оғиз бўшлиғи касалланганда чайқаш тавсия этилади.

Илмий тиббиётда зиркдан тайёрланган дори-дармонлар ўт пуфакнинг шамоллаши билан боғлиқ бўлган касалликларда, унда тош ҳосил бўлганда булувчи оғриқларга энгиллик берувчи омил сифатида фойдаланилади.

Шуни айтиш керакки, тиббиётда хавфли ўсмаларни даволашда ишлатиладиган Здренко йиғма дорисига зирк ўсимлигининг илдизи асос бўлиб хизмат қилади.

G'AROYIB IXTIROLAR

ҚАДАМ ТАШЛАБ ЮРАДИ

Флорида университети (АҚШ) олимлари Макс Хершелл бошчилигида гаройиб автомобиль яратишди. Унинг бошқа автомобиллардан фарқи шундаки, унга гилдирак ўрнига олтига баланд оёқлар ўрнатилган бўлиб, худди баҳайбат хашаротни эслатади. Буниси ҳам майли, қадам ташлаб юришни айтмайсизми?

Бунинг нимаси яхши, ахир тезлиги одатдаги машиналардан кам-ку, деган савол туғилиши табиий. Ҳечқиси йўқ, — жавоб беришда иختирочилар. — Бу машинанинг ҳам ўзига хос афзал томонлари кўп. Масалан, кўчада транспорт тикилиши бўлган пайтда бемалол улар устидан ҳатлаб ёки бошқа кичик йўлдан ўтиб кетаверади. Бундан ташқари йўлда автомобиль ҳалокатига сабаб бўладиган ўтирилмишлар ёки бошқа вазиятлар юз берган бўлса ҳам ундан ҳатлаб ўта олади.



америкача услубда яратилган эди. Филм Америка ва Канадалда биринчи рақамли хитта айланган. У шон-шўрратта кўмилиб кетди. "Оскар" танловида иштирок этди. Шундай қилиб, уни Ҳоливудда ҳам тан олишди.

Жеки 1983 йили суратта олиш майдончасида Фэнцзяо исмли актриса билан танишди. Уртада кучли муҳаббат пайдо бўлди. Севишганлар яширинча Лос-Анжелесга учиб кетиб, ўша ерда никоҳдан ўтишди. Бундай қилишга сабаб ниҳоятда кўп бўлган Жекиннинг ишқибозлари кўнглига гулгулда солмаслик эди. Бир йилдан сўнг Чанлар оиласида ўғил фарзанди — Жексон дунёга келди. Жеки бу сирни оммадан яширишга ҳаракат қиларди. Аммо журналистлар эса бунинг учун Жекидан қаттиқ ўч олишарди. Улар Жекиннинг бошқа аёллар билан тушган суратларини мунтазам chop этишарди. Лекин актёр бу бўҳтонларни қатъий рад этарди.

— Хотиним билан мана ўн беш йил бўлибдики, ҳамон биргамиз, — дейди Жеки Чан. — Қарийб бутун дунёни айланиб чиқдим. Шунинг баробарида бошқа оилаларнинг яшаш тарзи билан ҳам яхши танишман. Америкада йилгит ва қиз бир-бирини севиб турмуш қуради, аммо оранда бир йил ўтмай ажралиб кетишади. Биз эса Фэнцзяо билан алоҳида яшаб, ҳижрон азобларини бoshдан кечирганимиз. Биз бир-биримиздан айри, мустақил яшаганимиз, лекин кўнглиллари-миз ҳаминша яқдил бўлган...

И.АХМЕДОВ тайёрлади

Жеки бирдан киноларда кўрган бир журуш турини худди ўзидек қайтаришга ҳаракат қилди. У деворга сакраб, бирданга икки нафар безорига зарба бермоқчи эди. Аксинча ўзи ерга йиқилиб тушиб шарманда бўлди. Улар Жекинни бир-икки тегилиб кўздан қойиб бўлишди. Бахтли тасодиф туфайли қизга тегишмади.

...Бу каби ишқий саргузаштлар О Чаннинг отасига унчалик ёқин-қирамасди. Ҳар қандай ота коби у ҳам қизининг бахтли бўлишини истарди. Кичкина каскадёрлар эса не фойда. Ҳазабланган ота севишганларни кўпинча қўлидаги таёғи билан кутиб оларди. Натигада ёшларнинг айрилишига тўғри келди. О Чан Жекиннинг энг яқин дўсти сифатида бир умрга содиқ қолди.

Актёр кейинчалик бу қиз ҳақидаги биргина ўйининг ўзи уни гам денгизига гарқ қили-

фияти тушган Кон Сан ота-онаси ёнига кетиб қолди.

Кон Сан у ерда ошхона ва қурилишда ишлаб юрди. Австралияликлар унинг исмини айта олишмас, шунинг учун қурилиш гуруҳи раҳбари йилгитчани шунча-

ГОНКОНГЛИК "АЖДАРХО"

ки Жеки, яъни "Кичкина Жек" деб атай бошлади. Шундай қилиб, у



ҳозир биз билган Жеки бўлиб қолган.

Жеки ўзининг илк муҳаббати — О Чанни опера мактабига ўқитган пайтида учратган эди. Жекиннинг бу биринчи муҳаббатидан қалбида энг гўзал хотиралар қолди. Ёшлар бир-бирини чексиз севишар, қўл ушлашиб сайр қилганча, келажак ҳақида суҳбатлашишарди.

Бир кун суҳбатта берилиб кетган севишанлар бандларгоҳ худудига келиб қолганларини сезмай қолишди. Шу пайт уларни беш нафар безорилар ўраб олишди. Ур-йиқит бошланди кетди. Бир неча жанг усулларини намойиш қилган

шини тан олган. Қиз эса ҳамон ёлғиз, турмуш қўрмаган. Жекидан кейин у ҳеч кимга кўнгли бермади.

Австралиядан Гонконгга келган Жеки яна кинога қайтди. Унинг "Бургут панасидаги илон" фильми Гонконгга машҳур бўлиб кетди. Энди ҳамма Брюс Лининг издоши пайдо бўлганлигини эътироф эта бошлади. Шундан сўнг уни машҳурлик чўққисига олиб чиққан бир қанча фильмлар яратилди. 1980 йилда Жеки Ҳоливудни забт этиш учун Америкага йўл олди. Лекин Америка осиллик ёшларнинг ёрқин юлдузини унчалик хурсандчилик билан кутиб олгани йўқ. Унинг "Катта мушгашув" фильми муваффақиятсизликка юз тулди. Бироқ Жеки бу вақт ичда инглиз тилини ўрганли ва овозсиз кино устаси Бастер Китоннинг ижоди билан яқиндан танишди. Шу тарзда устамонлик билан уюштирилган жанглар, мафтункор саҳна кўринишлари билан оламлар кўнглига йўл топиш мумкинлигини тушушган Чаннинг тақдорланмас услуби дунёга келди.

1985 йили Жеки ўзининг энг яхши фильмларидан бири "Полициядаги можаро"ни суратта олади. Ундан сўнг "Эгизак аждархорлар" ва "Худо яроғ-аслаҳаси" фильмларини яратди. Ниҳоят, 1995 йилда актёр ўзининг "Бронксаги жанг" фильми билан Американи бутунлай забт этишга эришди. Бу филм Гонконг-

ТАБРИКЛАЙМИЗ!

"Фарона почтаси" АЖ Равон филиали жамоаси корхона ходимлари Мунавваржон ЗАЙНИДДИНОВ, Раҳмонжон МУЗАФФАРОВ, Одилжон МИРМУМИНОВ ва Фурқат АХМАДЖОНОВларни туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклайди. Уларга сизгит-саломатлик, узоқ умр, бахт саодат ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Тошкент Телеком" филиали ходими Бахтиёр РИХСИХУЖАЕВни Қибрай тумани, Ўнқўрғон қишлоғида истиқомат қилувчи орасингиллари туғилган кунлари билан чин қалбдан табриклайди. Унга узоқ умр, сизгит-саломатлик, оилавий бахт ҳамда ишларида омадлар тилаб қолади.

БУЙРУҚ БИЛАН ИШЛАЙДИ

Германияда яшовчи Ганс Кемпф ўз эгасининг буйруғи билан (оғзаки) ишловчи автомобил яратди. Буйруқ берилиши билан машина эшиги очилади ва ёпилади, буйруқ билан стартёр ишга тушади, чироклар ҳам ёнади, хатто машина ўриндиқлари ўз ҳолатини ўзгартириши мумкин. Фақат машина ҳаракатини бошқаришдагина сохиб қўл ва оёқларини ишга солади.

"МЕГАБУС" ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Франциянинг "Рено" фирмаси "Мегабус" автобусини ишлаб чиқарди. Уч қисмдан иборат бу автобуснинг узунлиги 24 метр. "Мегабус"га бир йўла 206 йўловчи сиғади.

МУАССИС: Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги  
Бош муҳаррир: Орифжон МУҲАММАДЖОНОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Илҳат АХМЕДОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Шомансур ОБИДУЖАЕВ Миродда САНГИЛОВ Лутфилло ТУРСУНОВ (масъула котиб) Раҳмонжон ТУРДУНОВ Ашнвер ХУЖАЕВ Асрор ЭШОНХУЖАЕВ Рустам ҚОСИМОВ Содиқжон ҚОСИМОВ

Тахририятда келган қўлзма ва суратлар эътиборга қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фахридан фарқлангани мумкин. Нашридан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт. Таърир материал — 1. Реклама матириалларини тўричилигига тахририят жавобгар эмас. Рақам ва балларнинг ҳаққонлиги учун маълум муаллифни масъулар. Газетани тайёрлашда Интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Мавзунуми: 700000, Тошкент-35, А.Толстой кўчаси, 1-уй. Тел.: 136-35-29. Факс: 136-36-42. E-mail: orif@info.net.uz. Нашр кўрсаткичи — 227, 228. Жуми кунлари чикади.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Мавзун: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

468-G сонли бюуртма. Офсет усулида босилади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табақ. Адади 8597 нуска.

Ахборот ҳамкорлиги UzInfoCom маркаси. Саҳифаловчи: Ш.КИМСАНБОЕВ. Мати терувчи: Д.МАТҚУРБОНОВА.

Боснига топширилади — 18.00. Боснига топширилган вақт — 28.00.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигини 042 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.